

● Олам-олам гул...

# КЎНГИЛ ГУЛИ СЎЛМАГАНМИ?

**САВОБ, ХАЙРИЯ, МЕҲР-МУРУВВАТ ИШЛАРИ — САОДАТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛЛАРДИР**

Хайриятки, юртимизда эсган нурли насимлар шууримизни уйғота бошлади, кўзимизни очяпти. Бундан эл манфаат кўряпти, кўнгиллар қувоняпти. Шу боис дарахтлар ҳақида ўйлар экансан, эзгуликнинг турли қирралари ёдингга тушаверади. Йўл бўйига ўтқазилган бир туп ниҳол пайти келиб кўплаб йўловчиларни иссиқдан асрайди, меваси билан сийлайди. Айни кезда берилган кўмак, кўнгилни кўтарувчи далданинг кучи шунга зор кишига атом қувватидан зўр таъсир этиши мумкин.

Урганчдаги кўзи ожизлар корхонаси эски, пастқам бинода жойлашган. Дастгоҳлари алмисоқдан қолган, шовқини қулоқни қоматга келтиради, ёз кезлари нафас олишнинг ўзи мушкуллашиб кетади. Бу ерга мутасадди раҳбарлар келиб кетишади. Вазиятни кўриб, кўзларига ёш келади, ачинишади. Таассуфки, аҳвол ўзгармай қолаверади.

— Зора бир кичик машина ажратишсайди, — деган эди шундай ташрифлардан бирида ўрта яшар ишчи. — Бизлар ҳам одам, кўзимиз ожиз бўлса-да фарзандларимиз билан сайри саёҳатга чиққимиз келади...

Ўтган йилги Наврўз тадбирларидан сўнг бу корхонага ҳам меҳр-шафқат офтобининг нурлари етиб келди. Вилоят раҳбарларининг ҳол-аҳвол сўраб келишининг ўзиёқ ишчиларнинг кўнглини кўтариб юборди. Қарангки, узоқ йиллик муаммолар ҳам ўз-ўзидан ҳал этила бошланди. Ночор кишиларга камёб маҳсулотлар, моллар, болаларга кийим-кечаклар берилди. Уларни озиқ-овқат неъматлари билан таъминлаш яхшиланди. Вилоятдаги «Интурист» идораси ўзининг РАФ машинасини кўзи ожизлар ишлаб чиқариш корхонасига ҳадя қилди. Ҳозир бу машина турли маросимларга хизмат қиляпти, саёҳатлар ҳам уюштирилиб турилибди. Бундан ташқари, ўн икки оила янги уйли бўлди. Аввалги қурилганлари жорий ремонтдан чиқарилди.

— Янги корхонамизнинг лойиҳаси ҳам тайёр, — дейди директор Комилжон Азизов. — У замонавий шарт-шароитга эга энг катта комплекс бўлади. 300 киши меҳнат қилади. Шу ернинг ўзида 48 квартирали уй ҳам қурилади. Кўриниб турибдики, икки-уч йилнинг ичида аксар муаммоларимиз ҳал бўлади.

Наврўз арафасида мазкур идорада яна иккита муҳим янгилик рўй берди. Вилоят ижроия қўмитасининг қарорига биноан корхона ишчилари учун ёрдамчи хўжалик тариқасида 20 гектар ер ажратиб берилди. Бу ўзларини турли қишлоқ хўжалик неъматлари билан шу йилданоқ таъминлаш, пировардида бу жойни профилакторийга айлантириш имконини беради. Иккинчи янгилик — корхонанинг Гурландаги филиали қурилиб, фойдаланишга топширилиши бўлди. Энди бу ерда 30 га яқин кўзи ожиз киши меҳнат қилиши мумкин.

Буларнинг ҳаммаси бир йилда қилинган ишлар. Ундан диллар мунаввар, кайфият кўтаринки, келажакка ишонч таянчли. Турган гапки, бу корхона ишига ҳам ижобий таъсир кўрсатмасдан қолмаяпти. Ўтган йилнинг сўнгги чорагида кўзи ожизлар ишлаб чиқариш жамоалари ўртасида биринчи ўринни олди.

Биринчи гуруҳ уруш ногирони Эрка Жуманиёзов 80 ёшга тўлди. Хотини Онабиби Раҳмонованинг ёши 70 дан ошган. Улар шаҳар марказидаги коммунал квартирасида яшашади. Авваллари Онабиби ая ногирон эрига ўзи қарар, рўзғор юмушларини ҳам эплар эди. Лекин хасталик, бунинг устига кексалик кейинги кезда имкон бермай қўйди. Мана учинчи йилдирки, уларнинг аксар юмушларини Тўлғаной Эшбоева бажаряпти. У бозор-ўчарини қилади, қозон-товоғига қарайди, оқ ювиб, оқ тарайди. Ота ва ая Тўлғанойдан миннатдор, доимо алқаб дуо қилишади.

Т. Эшбоева шаҳар ижтимоий таъминоти қошидаги ижтимоий ёрдам бўлимида ишлайди. У ўзининг 20 ҳамкасби билан меҳнатга лаёқатсиз 174 кишига хизмат кўрсатишади. Уч йил муқаддам ташкил этилган мазкур бўлим қарияларнинг энг яқин кўмакчисига айланди. Бўлим фаолиятида жамоалар томонидан тушган хайрия маблағлари ҳам муҳим ўрин тутади. Бу борада, айниқса, вилоят ширкатлари уюшмаси, меҳр-шафқат фонди, умумий овқатланиш тресті беминнат ҳисса қўшяпти.

Уч ойдан буён шаҳар ижтимоий таъминоти бўлими жойлашган бинога кириб-чиқувчилар кўпайиб қолди. Мабодо уларнинг ҳар бири қўлида тугун бўлмаганида бошқалар эътиборини унчалик тортмаган бўларди. Аслида ҳамма гап ана шу тугунларда бўлиб, кишилар бу ерда очилган хайрия дўконига ўзларининг ортиқча кийим-кечаклари, пойабзалларини бепул топширишаётган, бошқалар бу ердан ўзларига зарур нарсаларни олиб кетишаётган эди.

— Хайрия дўкони деган сўзнинг ўзи эриш эшитилади, — дейди ушбу савобли иш ташаббускори шаҳар фирқа қўмитаси биринчи котиби, Кенгаши раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати Комил Саидов. — Чунки бундай гап хотирамиздан кўтарилиб кетган, бирон бир жойда дуч келмаганмиз. Аслини олганда бунинг ҳеч бир ажабланарли томони йўқ. Хайрли ишнинг катта-кичиги бўлмайди.

Дарҳақиқат, савобнинг катта-кичиги йўқ. Хоразмнинг шаҳар ва қишлоқларида ҳам худди шу маънода анча ибратли ишлар амалга ошириляпти. Улуғ Ватан урушида, Афғонистонда ҳалок бўлганларнинг оилаларига ғамхўрлик кўрсатила бошланди. Вилоят меҳр-шафқат уюшмасининг ташаббуси билан аксар районларда хайрия кечалари уюштирилди. Улардан тушган маблағ биринчи навбатда қарияларга, ёлғиз кишиларга, кам даромадли оилаларга, болалар уйларига бериляпти...

Ҳа, Наврўзнинг қайтиб келиши, қадрланиб, кенг тантана билан байрам қилинаётганлиги элимизга, тирикликка хос бўлган кўплаб ҳиммату саховатли ишларни ҳам қайтариб келди, қайтаряпти. Уларнинг ҳаммаси савоб билан боғлиқ ва унга туташиб кетади. Демакки, кўплаб кишилар кўнглида меҳр гуллари сўнмаган экан, у навбатдаги Наврўз туфайли яна барқ уриб очилсин.

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

## БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг умумий овқатланиш бош бошқармаси 35 нуқтада чойхона, ҳар бирида 20 та стол қўйилган 45 та буфет ташкил этади. Ҳаммаси бўлиб 3 мингдан ортиқ кишига хизмат қиладиган чойхона ва ёзги айвонлар ишлайди. Пойтахтнинг 75 жойида бир неча хилда палов дамланиб, байрам қатнашчилари ва меҳмонларнинг дастурхонларига тортилади, 70 жойда эса Наврўзнинг асосий таоми сумалак билан ҳалим тарқатилади. Шунингдек, бешта катта савдо ярмаркаси ишлайди.

Наврўз байрами куни жумҳуриятимиз шаҳарларининг оммавий сайллар ўтадиган майдонлари ва кўчаларида миллий таомлар савдоси ташкил этилиб, меҳмонлару мезбонларга бепул сумалак ва ҳалим тарқатилади. Худди шу жойларда озиқ-овқатлар, ширинликлар, шарбатли ичимликлару совға-саломлар ҳам харид қилиш мумкин.

**Н. ОЧИЛОВ.**

# Ҳар тунинг қадр ўлубон,



● Наврўз таомларига марҳамат!



Суратларни **Т. Ҳамроқулов** ва **Р. Альбеков** олган.

● «Бу қишлоқда (Варахша) ҳар ўн беш кунда бир кун бозор бўлади, йилнинг охирида эса йигирма кун бозор қилиб, йигирма биринчи куни Наврўз — янги йил байрамини ўтказадилар. Буни «Наврўзи кишаварзон» — «Деҳқонлар наврўзи» дейдилар. Бухоро деҳқонлари (йил кунлари) ҳисобини ўша кундан бошлайдилар ва бунга эътибор берадилар. Оташпарастларнинг наврўзи ундан беш кун кейин келади.

**НАРШАХИЙ**

● Навбаҳор эрур чаманда, соқий, айш оғоз қил,
Чанг бирла уду найни завқ этарга соз қил.

**Ҳофиз ХОРАЗМИЙ**

— 1. —

Йўлдош МУҚИМОВ

# ОБИ РАҲМАТ

## «МИНГ МАРЖОН» КИТОБИДАН

**Ёзувчи Йўлдош Муқимовнинг халқимиз қадимий ривоятлари асосида ёзган «Минг маржон» асаридан рўзномамизда бир шингил берган эдик. Энди ушбу китобнинг Наврўз тўғрисидаги бобидан парча ўқийсиз.**

**Ҳамал, ҳей, келгил, ҳамал,**
**Майсалар қилсин амал!**

**Офтоб юзингни очгил,**
**Булутлар қилмай қамал!**

**Ҳамал, ҳей, келгил, ҳамал,**
**Одамлар сенга маҳтал.**

**Ғуллар очилган маҳал,**
**Баҳор баҳорга тақал!**

**Ҳамал, ҳей, келгил, ҳамал,**
**Бўрон турса иш ишкал.**

**Дов-дарахтлар бўлур кал,**
**Ниҳоллар майиб ва шал[1].**

**Ҳамал, ҳей, келгил, ҳамал,**
**Қиш тақдирин тез қил ҳал!**

1.шал—шол (Бухоро ўзбеклари шевасида).

**Фаслларга сен аввал,**
**Ҳаммасига бўл машъал!**

**Ҳамал, ҳей, келгил, ҳамал,**
**Гўзаллардан сен гўзал.**

**Замин гиламу, бахмал,**
**Тоғу-тош кийган зарҳал...**

**Сувда сузади қундуз,**
**Осмонда порлар юлдуз.**

**Тенглашди кеча-кундуз,**
**Наврўз, жамолинг кўргуз!**

**Наврўз — азиз, эзгу сўз,**
**Дастурхон узра нон-туз.**

**Меҳрингни қилгил кўз-кўз,**
**Ёру-дўстга гул тутқуз!**

Бу сатрларни ўсмирлик чоғимда Нурмомо тўқиган қўшиқ асосида қайта битган эдим.

Эсимда: ўша пайтлар уруш бошланган йиллар эди, фашистлар Ленинградни қамал қилган, Москва ҳамда Сталинград остоналарига келиб етган дамлар эди. Нурмомо «Уларни Аямажуз юборди» деб бир неча сатрли шеър тўқиган эдилар. Мен ўшаларни тўлдириб, давом эттирган эдим. Мана улардан баъзилари:

**Аямажуз — ялмоғиз,**
**Бутун бадани оғиз.**

**Чиқса қародур кундуз,**
**Кўкда қочадур юлдуз.**

**Сувда қочадур қундуз.**
**Бети қурсин бадбуруш,**
**Билгани фақат уруш.**

**Малъун фашистга ўхшаб**
**Элга қилади ҳуруж...**

Шу тарзда ҳоказо ва ҳоказо...

— Одамлар ҳам бадхулқ бўлгани сари Аямажуз ҳам баттарлашиб, ваҳшийлашиб кетди, — тушунтирардилар Нурмомо бизга зочак-қўғирчоқ ясаб берар эканлар. — Наврўз бошланиши олдидан, қадимги замонда Аямажуз оламни ғорат қилишга ер қаъридан чиққану, бироқ одамларнинг Наврўз са͏йли ўтказаётганини кўриб, шумлигини эсдан чиқариб, базмга тушиб кетган. Ҳа, чироқларим, шундоқ вақтлар ҳам бўлган. У замонларда Наврўз жуда-жуда қизиқ ўтганда, ахир. Сайл айни авжига минганида келиб қолиб, азбаройи мафтуни-маҳлиё бўлганидан Аямажуз ўзини тутиб туролмаган, рақсга тушиб кетган. Ҳозиргидек иккита чўп бирла таёқчани дўмбирага тинғир-тинғир урган билан, карнай-сурнай чалган билан Наврўз бўптими?

Қаёққа кетди ўша дамлар?! Кўзингни чирт юмиб, «Қани, бир ўша манзарани кўрай» десанг ҳам, тушимда кўрай десанг ҳам кўролмайсан.

Нурмомо шунда тожикча шеърхонликка ўтиб кетардилар:

— 2. —

**Биё, кампири кажкафлез,**
**Гаҳи пур кун, гаҳи лаб рез.**

**Ба ҳаққи қошуқи ҳамхез,**
**Баҳор омад, баҳор омад...**

Нурмомо уқтирардилар: — Мен бу қўшиқни ҳозир сизларга айтиб турибман, менга бўлса, ўз вақти-замонида онам билан бибим ўргатганлар. Бир қўлимизда зочак-чол кўтариб, ҳовлима-ҳовли юриб, «Баҳор омад, баҳор омад» деб хабар қилардик, хайри-эҳсон олардик, хатми ош қилардик. Наврўз бошланиб кетарди шундан кейин...

Бу тожикча нодир қўшиқни Нурмомодан эшитганимда қўйин дафтаримга ёзиб қўйган эдим. Ўзбекчага ўгирганда бундай бўларди, дейман:

**Кел, эй, букри, эгри кўп**
**кампир,**
**Гоҳо кам-кам, гоҳ лим-мим**
**тўлдир!**

**Тинимсиз қошиқ ҳаққи билдир,**
**Баҳор келди, эй, баҳор келди!**

Ҳа, чироқларим, дам товоқ сари, дам оғзинг сари тиним билмай қимирлаб, қатнаб турган қошиқ кимлар елкасига қамчи ва оғир юк бўлиб тушмаган!

Узун қиш бўйи тиниб-тинчимаган бу қошиқ, баҳорга яқин қуриб қолади-ку, ахир, кўпгина хонадонларда. Бечораларнинг янги баҳор келишини кутишдан бошқа чораси борми? Янги баҳор янги нажот ва янги умидлар туғдиради. Қозонинг, товоғинг, қошиғингни тўлдиради.

Қадим замонларда одамлар Наврўз сайли вақтида шароб ҳам ичганлар. Шул боиски, ўшал маҳаллаларда шакар, шарбат, шинни, шароб, шир-сут қуйиб дастурхон ясатмоқ таомил бўлган. Дастурхон бошида шам шуъла сочиб турган. Бир чеккага шона-тароқ қўйганлар. Сочи яхши таралмаган аёллар дастурхон атрофида ўтиролмаган. Улар қўлига шунда тароқ тутқазганлар. Ўзига оройиш бергандан сўнг даврага кирган.

— Бу нозу-неъматларнинг ҳаммаси яхшику-я, — Нурмомо таъкидлар эдилар, — дастурхонга шароб қўйилгани ёмон одат бўлган. Одамларга шароб ичтириб, улар бошини айлантирмоқ Аямажузнинг айни муддаоси эрди. Шароб ичтирарди-ю, шум кампир дастурхон тепасига тўпланган жамики кишиларни ёқама-ёқа қилиб, уриштириб қочарди, Наврўзи олам бузилиб, қиёмат-қойим бўларди.

Яхшиямки, кейин юрт мусулмонободга айланди. Дастурхонга сайил кунлари шароб қўйилмайдиган бўлди. Наврўз кунлари шароб ичишдан эл қутилди. Шариат Наврўз сайлида қадимгидай шароб ичганларни гуноҳкор банда деб билур, халқ ундан ҳазар қилур...

Шаробу май иблис ичимлиги, чироқларим, катта бўлганларингда, улғайганингларда «Ич, ич!» дегувчилар кўп бўлади. Лаб ура кўрманг шайтоннинг ҳаром пиёласига! Аямажуз тўлдирган пиёла ул! Ўзи кўринмасаям, иблисларини, элчиларини юбориб турадур, одамларни йўлдан оздирадур...

* * *

...Лола одам билан бирга эгизак туғилган, чироғларим. Табаррук гул ул, бу баҳордан у баҳорга қадар соғинар уни кўнгул. Қадим ота-боболардан қолмиш таомил, кўклам фасли лола сайли ўтади ҳар йил. Боринг, бўталарим, тоғ бағрида, булоқ бошида бўлмоқда тағин сайил...

Йўлда бирдан тўзон-тўполон кўтарилди, аммо қандай тез келган бўлса, шунчалик тез тинди. Момоқалдироқ гулдираб, чақмоқ ялтираб-ялтираб, ўтиб кетди. Сўнгра сел қуйди. Биз, болалар дарахт остларига, пана-пастқам жойларга ўзимизни урдик. Лекин катта ёшли, соқол-мўйловли одамлар бош кийимларини ва кўйлакларини ечиб, ташлаб, ёлғиз иштонда ўзларини қуйилаётган сел остига олдилар... «Оби-раҳмат, оби-раҳмат!» қичқирарди улар гўдаклар сингари севиниб. «Келинглар, болалар, оби-раҳматга чўмилинглар. Сизга бахт ва омад ёр бўлади, бошингизга барака ёғилади, чопинглар, баракаю бахтдан қуруқ қолманглар!».

Оби-раҳматга чўмилганлар орасида Султонбобо ҳам бор эди. Ўзида йўқ хурраму-шод эди. Оппоқ соч-соқолидан оби-раҳмат томчилари ҳамон томиб турар экан, йўл-йўлакай, дўмбира чертиб, қўшиқ тўқирди:

**Тоғ бағридан ўйнаб**
**чиқар шалола,**
**Қип-қизил чаманзор**
**иккала қирғоқ.**
**Қояларни тешиб**
**чиққандур лола,**
**Адирларда мавж**
**уради қизғалдоқ.**
**Баланд чўққиларда**
**яшнар қизғалдоқ,**
**Томлар тепасида**
**ёнар қизғалдоқ.**
**Алвон либос киймиш**
**атроф, ҳаммаёқ,**
**Кел, э, наврўз чорлар,**
**келақол, ўртоқ!**

Султонбобо тўқайзорга, Зарафшон бўйига қайрилди, кўм-кўк майсалараро илдам қадам ташлаб борар экан, қўшиқ оҳангини ўзгартириб, ўз юришига мослаштириб яна дўмбира черта кетди:

## ҲАР БИР ДИЛ ЯЙРАЙДИ

Ноҳиямиз меҳнаткашлари Наврўз байрамига яхши тайёргарлик билан келишди. Байрам кунларида ноҳиямиз меҳнаткашлари ўзларининг энг яхши касб-ҳунарини намойиш қиладилар. Бу байрамга ҳар бир хўжалик ишчиси, ҳар бир ташкилот, идора, муассаса фаол қатнашади.

Байрам ноҳия марказидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилади. Ана шу боққа 15 та ўтов қурилиб, чиройли қилиб безатилади. Урф-одатларга кўра, ана шу ўтов уйларда ҳар хил миллий таомлар тайёрланади. Сумалак пиширилади, кўк сомса, гўжа, шу билан бир қаторда оқ жўхоридан гурдик (бешбармоқ), балиқдан қарма, талқон, сиқмон каби таомлар тайёрланади. Йигит-қизлар ашулалар ижро этади, рақсга тушадилар, чанқовуз чаладилар. Полвонлар курашади, қўчқорлар уриштирилади, қиз-йигитлар арқон тортишиб ўйнайдилар.

Стадионларда халқ истеъдодлари, бахшиларнинг мусобақалари ўтказилади. «Оқсунгул», «Оқ олтин», «Парвоз» «Райҳон» ансамбллари ижодий жамоалари томошабинларга катта концерт дастурларини кўрсатади.

Шу куни ноҳия хўжаликларида мева кўчатлари ўтказиш, сабзавот, арпа, ёзги буғдой, беда экиш ишлари бошлаб юборилади. Бу йил ноҳия хўжаликлари 45 гектар майдонга яқин боғ-роғ бунёд қиладилар.

**Қ. АМАНГЕЛДИЕВ,**
**Шуманай ноҳияси уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси.**

## ҲАМКОР-ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Оталиқ ташкилотларнинг намунали ишлари тўғрисида гап кетганда Тошкент асбобсозлик заводини мисолга келтириш ўринли бўлар. Корхона айни пайтда 1-«Отчопар» маҳалласи, 117- ва 58-ўрта мактабларига оталиқ ёрдами кўрсатаётир. Биронта хайрли тадбир йўққи унда корхона, маҳалла ёки мактаб вакиллари қатнашмаган бўлсин.

Ҳозир корхона ва маҳаллалар ҳудудида яшовчи меҳр-шафқатга муҳтож ногиронлар, қаровчиси йўқ кишилар, моддий жиҳатдан ночор фуқаролар аниқланиб, рўйхат қилинмоқда. Уларга ёрдам бериш мақсадларига 5 минг сўм пул ажратилди. Стадиондаги тантаналарга «Баҳор» халқ ансамбли таклиф этилди. Ўриндиқлар тўридан меҳнат ва уруш фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари жой оладилар. СССР спорт устаси, мамлакатнинг собиқ уч марта чемпиони Р. Аблаев раҳбарлигидаги ёшларнинг намунали чиқишлари, турли спорт мусобақалари, от пойгаси, мактаб ўқувчилари ва боғча-яслида тарбияланувчи кичкинтойларнинг табриклари, концерт номерлари қизиқарли бўлиши кутилмоқда. Энг яхши қатнашчиларга совринлар тақдим этилади.

Дошқозонда дамланган юз килоли ош уч маҳалла-кўй ва корхона ишчи-хизматчилари учун ёзилган дастурхонга тортилади. Байрамга ташриф буюрган турли миллат вакиллари сумалакдан татиб кўришлари, шақирлаб қайнаб турган самоварлардан кўк, памил чой ичиб, мириқиб дам олишлари мумкин. Ишчилар учун шу куни катта савдо уюштирилади.

— Наврўздан сал олдин маҳалла оқсоқолларига дастурхон ёзиб, бир пиёла чой устида улар маслаҳатини оламиз, — деди завод директори Меер Галяутдинов. — Бундай анъана ҳар бир тадбиримизнинг кўнгилдагидек ўтишини таъминлаётир.

Хуллас, баҳор байрамини ишлаб чиқаришда ҳам муносиб совғалар билан кутиб олишга аҳд қилган корхона жамоаси тантаналар ўтказиладиган жойларни тартибга келтирди.

**А. МАННОПОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

● «ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ—91» КЎРИК-ТАНЛОВИ ●

## МАҲОРАТ САРИ БИР. ҚАДАМ

**● Куни кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган энг яхши ўқитувчилар республика кўрик-танловининг ғолиблари аниқланди. Улар мактабни қайта қуришнинг муҳим омилларидан бири таълим-тарбия сифатини оширишдан иборат эканлигини амалда исботладилар.**

Маҳорат ва истеъдод синовини Урганчдаги 94-мактаб-интернат директори, СССР халқ ўқитувчиси Марям Ёқубова бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати бошқарди. Тошкент шаҳридаги 110-ўрта мактабда бўлиб ўтган кўрик-танлов иштирокчилари турли синфларда очиқ дарслар ўтдилар. Ўқитувчилар билим тажриба ва маҳоратларини ҳар томонлама намойиш этдилар.

Беллашувда Жиззах вилояти Зомин районидаги В. И. Ленин номли 1-ўрта мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Ҳанифа Раҳматуллаева биринчи ўринни олди. Тошкент шаҳридаги 27-ўрта мактаб мусиқа ва ашула ўқитувчиси, «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» Галина Данильченкога иккинчи ўрин насиб этди. Бухоро вилояти Свердлов районидаги 9-ўрта мактаб математика ўқитувчиси, «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» Қаҳрамон Усмонов учинчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинетида бўлиб ўтган қабулда «Йил ўқитувчиси — 91» кўрик-танлови ғолиблари таклиф этилди. Унда Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирининг муовини М. Қурбонов кўрик-танлов якунлари ҳақида ахборот берди.

Урганч шаҳридаги 94-мактаб-интернат директори, СССР халқ ўқитувчиси Марям Ёқубова республиканинг ғолиб ўқитувчиларини табриклади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Юсупов иштирок этди ва ғолиб муаллимларга мукофотлар топширди.

